



203

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Чилобод қо'ғ'они.
Телефон: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самарқандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

Ту.г. «3» сентябрь

№ 1097-Б

Самарқанд тумани «Оҳалик» кишлоқ фуқаролар йиғини «Меҳробод агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан «Maroqand Apple» масъулияти чекланган жамиятига музлатгич омборхонаси қуриш учун ер майдони ажратиб ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Харосозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа ишлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш шартлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, «Кишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамияти бош лойиҳа кидирув институтининг 2015 йил 18 июндаги 06-15/33-369-сонли ҳулосаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2015 йил 22 июлдаги 1459-сонли ҳулосаси ва «Maroqand Apple» масъулияти чекланган жамиятини туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер участкаси далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) шартларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман «Maroqand Apple» масъулияти чекланган жамиятига музлатгич омборхонаси қуриш учун Самарқанд туман «Оҳалик» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан «Меҳробод агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 379 контуридан жами 0,50 га (шундан: 0,50 га кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Музлатгич омборхонаси бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. шартномага смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси «Maroqand Apple» масъулияти чекланган жамияти раҳбари зиммасига юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январь ҳолатидаги ер балансида ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га тақдим қилинсин.
5. «Maroqand Apple» масъулияти чекланган жамияти томонидан «Ер кодекси»нинг 23-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Кадиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров